

## **ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ ТЕРГОВ ХАРАКАТИНИНГ ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАРНИ АНИҚЛАШ ХАМДА УЛАРНИНГ АЙБИНИ ИСБОТЛАШДАГИ АХАМИЯТИ**

**Суюнов Шахзод Шовкатович**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ўқитувчиси**

**Одилжонов Фаёзбек Нойибжон ўғли**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси курсанти**

**<https://doi.org/10.5281/zenodo.8019766>**

**Аннотация:** Мазкур мақола ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишга бағишланган бўлиб, унда ҳодиса содир бўлган жой деганда қаерлар назарда тутилиши, унинг тушунчаси, назарий таҳлили ва ўтказиш асослари, жиноятларни “иссиқ изидан” очишда ушбу тергов ҳаракатининг ўрни ва аҳамияти, тергов ҳаракатини ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари, ўтказилиш тартиби қисқача ёритиб ўтилган.

Жиноят содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда уларни айбини исботлашда Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал кодексининг 82-моддасида белгиланган тергов ҳаракатлари амалга оширилади. Ушбу тергов ҳаракатларидан бири ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракати ҳисобланади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш мустақил, кечиктириб бўлмас тергов ҳаракати сифатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 3-бўлим, 15-боб, 135-141-моддалари билан шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. У бошланғич ва кечиктириб бўлмайдиган энг муҳим тергов ҳаракати ҳисобланади, акс ҳолда жиноят излари табиий таъсирлар натижасида бузилиб кетиши, атайлаб йўқотилиши мумкин. Шу сабабли суриштирувчи ва терговчи ҳодиса содир бўлганлиги тўғрисида хабар олиши билан ҳар қандай об-ҳаво шароитига қарамай дарҳол ушбу жойга етиб бориши ва кўздан кечиришни бошлаши лозим бўлади. Кўздан кечириш тергов ҳаракати объектига кўра, қуйидаги турларга бўлинади: 1) ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш; 2) мурдани кўздан кечириш; 3) ҳайвонларни кўздан кечириш; 4) теварак-атроф ва биноларни кўздан кечириш; 5) нарса ва ҳужжатларни кўздан кечириш. Кўп ҳолатларда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракати таркибида мурда, нарса ва ҳужжатлар ҳам кўздан кечирилиши мумкин.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда суриштирувчи ва терговчи биринчи навбатда қуйидаги вазифаларни хал этишлари лозим:

- ҳодиса юз берган жойнинг ҳолати билан шахсан танишиш;
- иш бўйича аҳамиятли бўлган далилларни, изларни, нарса, қурол ва ҳужжатларни топиш, қайд қилиш ва олиб кетиш;
- ҳодиса натижасида юз берган ўзгаришларни аниқлаш ;
- жиноий ҳодиса ҳолатлари бўйича терговни қизиқтирувчи масалаларни хал қилиш;
- турли-хил гумон ва тусмолларни тузиш ва уларни текшириш;
- жиноят содир этган шахсларни, шунингдек қидирилиши лозим бўлган гувоҳларни кўрсатувчи маълумотларни топиш;

- тергов давомида гумон остидаги шахс, айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини текшириб кўришга имкон берадиган маълумотларни йиғиш.

Агарда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракати жуда чўзилиб кетиши ёки танаффус қилиниши муносабати билан вақтинча тўхтатилса, бу ҳақида баённомада қайд этилиб, бу жойни қўрикланишини ташкил этиш керак. Шунингдек, об-хаво шароити оғирлашганлиги ёки бошқа сабабларга кўра кўздан кечириш мумкин бўлмай қолган бўлса, унинг сабаблари баённомада аниқ кўрсатилиб қайд этилиши лозим.

Ҳодиса жойни кўздан кечириш давомида ҳодиса содир бўлган жойнинг атрофини ёки у билан боғлиқ бошқа жойларни кўриб, текшириб чиқиш зарурияти туғилади. Бу ҳаракатларни самарали бўлиши учун қуйидагиларга аҳамият берилиши лозим:

- Кўрилиб, текширилиши лозим бўлган жойни аниқлаш;
- Ишда иштирок этувчи шахсларнинг рўйхатини тузиш ва уларнинг ўртасида кўрилиши лозим бўлган жойни тақсимлаб, аниқ белгилаб олиш;
- Оддий техник воситаларни тайёрлаш (хаскаш, белкурак, чўнтак фонари ва х.к.);
- Барча ишда қатнашувчиларга кўздан кечиришда нималарга аҳамият бериш, қандай нарсалар олиш ва қандай ҳаракат қилиш тўғрисида тушунтириш бериш.

Агар ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда йўқолган шахснинг яқинлари, қўшнилари жиноят содир этишда гумон остига олиниб, далилий ашёларни яширган деган хулосага келинса, терговчи ёки суриштирувчи тинтув ўтказиш ҳақида дарҳол қарор чиқаради ва тинтув ўтказиши.

Агар ҳодиса содир бўлган жойнинг аввалги ҳолатини тиклаш зарурияти туғилса, бу мустақил тергов ҳаракати орқали амалга оширилади. Бу ҳаракат тергов эксперименти деб аталади. Шунинг учун ҳам ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини текшириш ва қайд қилиш жиноятнинг характериға қараб режали, тўлиқ ва атрофлича амалга оширилиши керак.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида аниқланган ашёвий далиллар, яъни булар нарсалар, ҳужжатлар, буюмлар, жиноят иши тугаганидан кейин иложи бориға эгаларига топширилиши керак. Воқеа жойидан топилган ҳар бир ашёвий далил муҳрланган ҳолатда олиб қўйилиши керак ва нима сабабдан олиб қўйилганлиги мулк эгаларига тушунтирилиши керак. Тергов ҳаракатида қатнашган ҳар бир процесс иштирокчиси баённомаға қўл қўяди ва санаси қайд этилади. Тергов ҳаракатида қатнашган ҳар бир процесс иштирокчиларининг фикрлари инобатға олиниши лозим, сабаби уларнинг фикрлари иш учун аҳамиятға эға бўлиши мумкин. Агарда кўздан кечирилаган нарсалар кимёвий моддалар бўлса ушбу ҳолларда махсус техник воситалар қўллаш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракати ҳисобланиб, ушбу тергов ҳаракатини ўз вақтида, тергов-тезкор гуруҳи аъзолари томонидан тўлиқ таркибда сифатли амалға оширилиши, кўздан кечириш давомида жиноятға алоқадор бўлган ашёвий далиллар, излар ва бошқа буюмларни ўз вақтида олиниши ҳамда тегишли экспертизаларнинг

тайинланиши жиноятнинг фош этилишида шунингдек, айбдор шахсларнинг ҳаракаларини малакалашда жуда катта аҳамият касб этади.

### References:

1. Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси: ИИБ олий таълим муассасалари учун дарслик / Б.А.Миренский, А.Х.Рахмонқулов, Д.Камалдоджаев ва бошқ.; Ш.Т.Икрамовнинг умумий таҳрири остида. Тўлдирилган иккинчи нашри.– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2012. – 587 б.
2. Қўшаев Н.М.Файзиев Ш.Ф. Жиноят процессида ўтказиладиган тергов ҳарактлари.Ўқув қўлланма юридик фанлар номзоди, доцент З.Ф.Иноғомжонованинг таҳрири остида - I ТДЮУ нашриёти 2007.102-104 б
3. Уголовный Процессуальный Кодекс Туркменистан- СПБ.2008-65 стр.
4. Уголовный Кодекс Республики Таджикистан - СПБ.1998-120 стр.
5. mobil.studbooks.net / Процедура производства обыска в уголовном - процессуальном праве США.
6. Suyunov Shaxzod Shovkatovich, Panjieva Ruxsora Jamshid qizi. (2023). Ishni sudga qadar yuritishda axborot texnologiyalaridan foydalanishni takomillashtirish. innovative research in science, 2(4), 36–37. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7854749>